Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 29 октябрь, шанба | №161 (21.735) | Сотувда эркин нархда.

• *ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ:*

МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Суратларда: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг ХХР Раиси Цзян Цзэмин (чапда) ва ХХР Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэн билан учрашуви.

А. Илёсов (ЎзА) олган суратлар.

Расмий ахборотнинг ўзига хос чекланишлари бор. Дейлик, "музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида гап борди", "ҳужжатлар имзоланди", "ташриф ниҳоятда самарали бўлди" каби қисқа ва умумий гаплар замирида қанчалар машаққатли меҳнат, айни пайтда нечоғлиқ катта мақсадлар ётганини ҳамма ҳам билавермайди.

Куни кеча Президент И. Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз расмий делегациясининг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи ҳақида ҳам ана шундай қисқа хабарлар берилди. Бугун бу ташрифнинг аҳамияти, мақсад ва натижалари ҳақида кенгроқ мулоҳаза қилиб кўрмоқ фойдадан ҳоли эмас.

Маълумки Ислом Каримов 1992 йилнинг баҳорида ҳам Хитойга давлат ташрифи билан бориб, ҳужжатлар имзолаган, талай музокаралар ўтказган эди. Орадан кўп ўтмай ХХР Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэн мамлакатимизга қадам ранжида қилгани ҳам ёдимизда. Лекин замон бир жойда тургани йўқ, дунёда ўзгаришлар мўл. Ўзининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини тобора изчиллик билан мустаҳкамлаб бораётган мамлакатимизни бундан уч йил бурунги Ўзбекистон билан қиёслаш қийин. Хитойдаги ўзгаришлар ҳам дунё назарида турибди. Айниқса, бу улкан мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётгани маълум. 1 миллиард 200 миллионли нуфусга эга мамлакат миллий даромадининг ўсиш суръати ўтган йили 10 фоиздан зиёдни ташкил этгани мўъжиза. Ғарб матбуотининг ёзишича, келгуси аср ўрталарига бориб, Хитой жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам жой олади, ҳатто баъзи кўрсаткичлар бўйича, уларни ортда қолдириб кетади.

"Диққат-эътиборимизни XXI асрга қаратайлик!" деган сўзлар ХХР Раиси Цзян Цзэминнинг севимли шиорига айланганини эсласак, юқорида зикр этилган гапларда жон борлиги маълум бўлади. Қолаверса, Хитой бизнинг Шарқдаги энг йирик ва нуфузи баланд қўшнимиз. Аждодларимиз бу улкан мамлакат билан доим яхши алоқада бўлиб келган. Бу ўринда "Буюк ипак йўли" бўйлаб неча юз йиллаб карвонлар қатнаганини эслаш кифоя.

— Шу боис, таъбир жоиз бўлса, биз хитойликлар билан бундан икки минг йил бурун биродарлашганмиз дейиш мумкин,— деди Президент Ислом Каримов.— Бизнинг бу мамлакат билан ўзаро алоқаларимиз жуда тезкорлик билан ривожланиб бораётганининг сабаби ҳам шунда.

Айни пайтда Хитой раҳбарияти ҳам Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни ривожлантиришга интилаётгани сир эмас. Улар Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлашда муҳим ўрни борлигини билишади. Президент И. Каримовнинг бу борада қилаётган саъй-ҳаракатларини жуда қадрлашади. Мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларининг баландлиги ҳам хитойликларга маълум. Бир сўз билан айтганда, ХХР Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан жуда манфаатдор.

Буни 24 октябрь куни икки мамлакат раҳбарлари имзолаган "Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий принциплари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома"дан ҳам билса бўлади. Унда ўзаро тенглик ва дўстлик тамойилларига асосланган ҳамкорликни янада ривожлантиришдан ҳар икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдор эканлиги алоҳида таъкидланган.

Икки мамлакат ўртасидаги бундай ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яна нималарга эътибор бериш мумкин? Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларда Хитой тажрибасининг қайси жиҳатларини қўлласак бўлади? Президент Ислом Каримовдек изланишдан ҳамда ўрганишдан чарчамайдиган инсонда мана шундай саволлар туғилгани ва у Чин сафарини ихтиёр этгани табиий.

ХХР тажрибаси ҳақида гап кетганида айримлар: "Ўзбекистон энди Хитой йўлидан бормоқчи!" деб шовқин солмоққа уриниши мумкин. Аммо, безовта бўлишга ҳожат йўқ. Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос йўлдан оғишмай дадил бораётгани ҳаммага маълум. Давлатимиз раҳбари куни кеча Пекинда буни алоҳида таъкидлади. Аммо, мамлакатимиз тараққиёт сари бормоғи учун Хитой мўъжизасини, умуман жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, улардан халқимизнинг урф-одати, анъаналарига, Ўзбекистоннинг табиий шароитига мос келадиганларини олиб, ҳаётга татбиқ этиш тамойилига содиқ қолади.

Ташриф мобайнида яна бир ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида консуллик шартномаси имзоланди. Кўпинча шундай савол беришади: хўш, бу ҳужжатларнинг оддий фуқароларга нима нафи тегади?

Бундан уч-тўрт йил бурун биз учун хорижга бориб-келиш катта воқеа ҳисобланарди. Эндиликда бу оддий ҳодиса бўлиб қолди. Чет эл, жумладан, Хитой билан ҳам борди-келдиларимиз юксак суръатларда ривожланмоқда. Шундай экан, Ўзбекистоннинг ХХРда Хитойнинг эса мамлакатимизда ўз ваколатхоналарини очиш зарурати туғилгани табиий. Бошқача айтганда, ушбу ҳужжатлар бойс Ўзбекистон фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини чет элда ҳимоя қилувчи ташкилотларимиз сони тағин кўпаяди. Ватандошларимиз учун савдо, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлик учун янги имкониятлар очилади. Яна бир улкан мамлакат шаҳарларида байроқларимиз ҳилпираб, гербимиз нур соча бошлайди. Вақт-бевақт "Ассалому алайкум", деб кириб борганингизда, ваколатхоналаримиз ходимлари сизни ўзбекча калом билан илиқ кутиб олади.

Хитойда Ўзбекистон Президентига катта иззат-икром кўрсатилди. Ушбу ташриф мамлакатимизнинг обрў-эътибори хитойликлар назарида беқиёс ўсганини намойиш этди. Айтишларича, Хитойдаги вилоятлардан бирига сафарга отланган Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэн И. Каримовнинг ташрифи сабаб, ўзининг сафарини кечиктирибди. Республикамиз раҳбарияти олиб бораётган изчил ички ва ташқи сиёсат, ватанимиздаги тинчлик-осойишталик, фуқаролар тотувлигию ислоҳотларимизнинг яхши натижалари ушбу эҳтиромнинг боисидир. Бунда жаҳон ҳамжамиятида юртимиз нуфузининг ортиб бораётгани муҳим омил бўлаётганлиги шубҳасиз. Шу ўринда Ўзбекистонимизнинг обрўсига-обрў қўшган яна бир воқеани — яқинда Японияннинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган XII Осиё ўйинларида спортчиларимиз, хусусан футболчиларимиз эришган юксак муваффақиятнинг ҳам муҳим ҳиссаси борлигини таъкидлаш жоиз. ХХРда ҳозир ҳамманинг тилида шу гап: ўзбекистонлик футболчилар финалда Хитой терма командасини ютиб, Осиё чемпиони бўлди. Табриклаймиз!

Ҳатто Президентимизни беҳад самимий ва иззат-икром билан кутиб олган Ли Пэн жаноблари ҳам бу ажойиб воқеани четлаб ўтолмади. Ислом Каримовни ушбу ғалаба билан табриклади. Президентимиз лутф қилдиларки, баъзан ўқувчи ўқитувчисидан ўтиб кетади, яъни тажрибали ўйинчи ҳам айрим ҳолларда синалмаган рақибига ютқазиб қўйиши мумкин. Қолаверса, футболчиларимизнинг бу ғалабаси мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг натижаси.

(Давоми 2-бетда).

1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигига уч йил тўлади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва барча аъзоларига

ТАБРИКНОМА

Азиз дўстлар!

Партиямиз ташкил топганлигининг уч йиллиги билан барчангизни самимий муборакбод этамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз Раиси, мамлакат Президенти И. А. Каримов бошчилигида ўтиш даврининг мураккаб шароитларида мустақиллик фарзанди сифатида шаклланди, оёққа турди, жамиятда ўз ўрнини топди. У босиб ўтган йўл ҳур диёримизда юз бераётган туб ўзгаришлар тарихи билан ҳамоҳангдир. Демократик, инсонпарвар, адолатли жамият, ҳуқуқий давлат негизларини яратиш, истиқлолимизнинг иқтисодий пойдеворини вужудга келтириш, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган маънавиятни шакллантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишини таъминлашдек тақдириломон масалаларни ҳал этишда партиямиз аъзоларининг салмоқли ҳиссаси борлигини чуқур ифтихор билан қайд этамиз.

Партиямиз ташкил топган куннинг уч йиллиги Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойи ўтадиган кунга тўғри келмоқда. Унинг партиямиз, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Чунки, ушбу қурултой партия ташкилотларимиз олдида республика Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига ўтказиладиган сайловлар муносабати билан турган долзарб вазифаларни белгилаб беради.

Ўзбекистон ХДПдан мазкур сайловларда етуклик имтиҳонидан муваффақиятли ўтиб, жамиятимиздаги ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш талаб этилмоқда. Бунинг учун ҳаммамиз юксак уюшқоқлик ва онгли интизом намуналарини намоён, барча куч ҳамда имкониятларимизни ушбу олижаноб мақсадларга сафарбар қилишимиз лозим.

Шу қутлуғ кунда, қадрли дўстлар, сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака, она-Ватанимиз равнақи йўлидаги барча ишларингизда омад тилаймиз!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми

Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойи олдидан

И. А. КАРИМОВ — ҚУРУЛТОЙ ДЕЛЕГАТИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XII пленуми қарорига биноан ўтказилган туман ва шаҳар кенгашлари пленумларида партиямиз Раиси, мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов навбатдан ташқари II қурултой делегатлигига биринчи номзод этиб тавсия этилганини илгари хабар қилган эдик. Куни кеча Тошкент шаҳар партия кенгашининг бўлиб ўтган пленумида юртбошимиз якдиллик билан бир овоздан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойига делегат этиб сайланди. Бу — И. А. Каримов бошлиқ республика раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат партиямиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг, халқимизнинг ўз юртбошисига бўлган катта ишончининг намойишидир.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда пойтахт ХДП ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Л. Ғуломов шу тўғрида маъруза қилди.

Анжуман қатнашчилари қурултой делегатларини сайладилар, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлигига партиямиздан номзодлар кўрсатдилар. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар таркибини шакллантириш юзасидан ўз таклифларини бердилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик қатнашди.

НОМЗОДЛАР ТАНЛАНДИ

Гулистонда партиямиз Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. У мамлакатимизнинг янги парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар билан боғлиқ долзарб масалаларга бағишланди. Маърузачи — вилоят кенгаши иккинчи котиби Д. Тарасенко ҳамда музокарада сўзга чиққан нотиқлар ушбу сайловлар барча партия ташкилотлари ва аъзолари учун жиддий синов эканлигини, ундан муваффақиятли ўтиш учун барча чора-тадбирларни кўриш зурурлигини таъкидладилар.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойига делегатлар сайладилар, партиямиздан вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар рўйхатини тасдиқладилар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклифларни тасдиқладилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик нутқ сўзлади.

***

Ўзбекистон ХДП Бухоро, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари кенгашлари пленумларида ҳам юқоридаги масалалар муҳокама қилинди. Унда вилоят партия кенгашларининг биринчи котиблари: Бухорода — Ж. Нуруллаев, Жиззахда — Г. Субхонова, Тошкентда — Ў. Турғунов ва Қашқадарёда — Ф. Омоновларнинг маърузалари эшитилди.

Ушбу пленумларда партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойига делегатлар сайланди, вилоят Кенгашлари депутатлигига ХДПдан номзодлар рўйхати тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар таркибини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШОЛИКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Маълумки, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлаш — ҳозирги куннинг энг муҳим иқтисодий масаласи бўлиб турибди. Шу маънода бугун сизлар қўлга киритган катта ютуқ — давлатга 215 минг тонна шоли етказиб берилгани ҳақидаги хушхабар ғоят қувонарлидир.

Оғир иқлим ва мураккаб экологик вазият қийинчиликларини оқилона енгиб, улкан хирмон барпо этган шоликор деҳқонларимизни, механизатор-мутахассисларни самимий қутлайман, барчаларига сиҳат-саломатлик, хуш кайфият тилайман.

Халқимизнинг ризқини бутун, дастурхонини тўкин, эртанги кунга ишончини мустаҳкам қиладиган хайрли ишларингизга муваффақият ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

ИСЛОҲОТЧИЛАР, ВАТАНПАРВАР БУНЁДКОРЛАР ПАРТИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВ "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ВА "ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА" ГАЗЕТАЛАРИ ТАҲРИРИЯТЛАРИНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

— Абдулҳафиз Марақимович! 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи ўз ишини бошлайди. Унинг очилиш куни партиямиз ташкил топганлигининг уч йиллигига тўғри келмоқда. Суҳбатимизни Ўзбекистон ХДП босиб ўтган йўлнинг асосий жиҳатларига назар ташлашдан бошласак...

— Бажонидил. Уч йил тарих учун бир зумлик фурсат. Аммо, мамлакат, халқ тақдирини ҳал қилувчи замонда даврнинг маҳмуни, партиямиз Раиси, мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов таъбири билан айтганда, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг теранлиги, қўлами ва аҳамияти билан ўлчанади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён, тўла асос билан айтиш мумкинки, биз ўз миллий давлатимиз ривожининг бутун бир тарихий даврини босиб ўтдик, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар юз берди. Туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйдик. Бу муваффақиятларда Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам салмоқли улуши борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Партиямиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини ўз Дастурида мужассамлаштирган янги ижтимоий-сиёсий куч, мустақиллик фарзанди сифатида майдонга чиқди. Халқимиз, мамлакатимиз, ёш давлатимиз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйганлиги халқимизда унга нисбатан меҳр уйғотди.

Тўғри, партияни оёққа турғазиш, расмий жиҳатдан шакллантириш даврида бир мунча қийинчиликларга дуч келдик. Масалан, дастлабки пайтда сафларимизга ўткинчи нималарнингдир таъмасида кириб қолганлар ҳам бўлди. Улар янги сиёсий ташкилотнинг давлат бошқаруви ва хўжалиқ ишларига бевосита аралашмаслигини тушуниб етгач, партиямиз сафларини тарк этдилар. Бу, бир томондан, биз учун ҳатто яхши ҳам бўлди. Ташкилотларимиз улардан тозалангач, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан бирмунча мустаҳкамланди. Ҳаётнинг ўзи биз учун энг катта мактаб бўлди — кундалик ишлар жараёнида сиёсий фаолият кўрсатиш сирларини ўргандик, муайян тажриба орттирдик.

Партиямиз ҳаётидаги яна бир янгилик — давлат ҳокимияти вакиллик идораларидаги ХДП аъзоларидан депутатлик гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятини йўлга қўйишдан иборат бўлди. Ўтган даврда республика Олий Кенгаши ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз ибратли ишларни олиб бордилар. Уларнинг бевосита иштирокида мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституцияси ва кўплаб Қонунлар қабул қилинди.

Ҳар қандай сиёсий ташкилот ўз ғояларига, мафкурасига эга бўлгандагина, унинг фаолияти тўлақонли бўлиши мумкин. Партиямиз тарихининг дастлабки босқичида мафкуравий масалада муайян мураккабликлар, англашилмовчиликлар бўлганлигини яширимаймиз. Бундан ташқари, дастлаб биз кўпроқ ташкилий масалалар билан ўралашиб қолган ҳам эдик.

Ўзбекистон ХДП Раиси, мамлакатимиз Президентининг тарихий даъватига жавобан партиямиз Марказий Кенгаши "Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси"ни ишлаб чиқди. Ҳозир биз уни рўёбга чиқариш чора-тадбирларини кўрмоқдамиз.

— ХДП ташкилотларининг давлат ҳокимияти идоралари билан муносабатлари қандай йўлга қўйилган?

— Ўринли савол. Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсати ва кундалик фаолиятининг олий мақсади — меҳнат аҳли ва ҳар бир оиланинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар, моддий а маънавий баркамол ҳаёт кечириши учун тенг имконият яратиш, кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилишдан иборатдир, дейилди Дастуримизда. Табиийки, партиямиз ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги аъзоларига суянади. Шу сабабли давлат ҳокимияти идораларининг раҳбарлик лавозимларида кимлар бўлишига биз бефарқ қарай олмаймиз. Олдинига қийин бўлган бўлсада, бора-бора, айтишимиз мумкинки, партиямизнинг сабот ва чидам билан олиб борган сиёсати туфайли бу соҳада ижобий силжишлар рўй берди. Кўпчилик раҳбар ходимлар партиямиз, унинг маҳаллий ташкилотлари фикри билан муҳим масалаларда бамаслаҳат иш қиладиган бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи 1 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкентдаги Ўзбекистон шоҳкўчаси, 9-уйнинг катта мажлислар хонасида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи делегатларн 31 октябрь куни эрталаб соат 9.00 дан соат 14.00 гача Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши (Мустақиллик майдони, 5-уй) биносида, 1 ноябрь куни эрталаб соат 8.00 дан 10.00 гача Ўзбекистон шоҳкўчаси, 9-уй катта мажлислар хонасининг даҳлизида рўйхатга олинадилар.

• *ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ:*

МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хитойлик дўстларимиздан бири ярим ҳазил, ярим чин оҳангда айтдики, Ўзбекистон билан Хитой терма командаларининг финалда ватандошларимизнинг ғалабаси билан тугаган ўйинини ойнаи жаҳонда томоша қилган 1 миллиард 200 миллионли Хитой аҳли ўша тун ухлай олмай тўлғониб чиққан. Бундай гапларни эшитгач, республика Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини эсламай, Ўзбекистон келажаги буюк давлат деган гапга ишонмай бўладими!

Президентимизнинг Хитой ташрифи дастуридан Шанхай шаҳри алоҳида жой олгани ҳақида илгари хабар берилган эди. "Шанхайда бўлмабсиз — Хитойга келмабсиз", деган кўҳна мақол ҳозир ХХРда жуда машҳурлашиб кетган. Одатда бу шаҳарни "Хитой иқтисодиётининг локомотиви" деб аташади. Хорижликлар ХХР иқтисодиётига йилига 26 миллиард АҚШ долларига тенг сармоя киритаётган бўлса, шунинг 3 миллиарди Шанхай улушига тўғри келади. Шанхайда шундай қўшма корхоналар борки, хорижлик сармоядорлар ватанидан бу ерга янги технология, хомашё, ҳатто ёқилғи келтириб, маҳсулот тайёр бўлгач, уни яна ўз мамлакатига олиб бориб сотмоқда.

Айни пайтда Шанхай йирик қурилишлар шаҳри. Сўнгги учтўрт йил мобайнида унинг ёнида кўплаб шаҳарчалар пайдо бўлди ва улардан жой олган юзлаб корхоналар аллақачон ўз маҳсулотини бера бошлаган. Корхоналар шиори эса, ягона — маҳсулотимиз сифати жаҳон андозаларига мос бўлсин. Агар деярли барча корхоналар ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг талай қисмини чет элга сотаётганини айтсак, бу шиор шунчаки гап эмаслигига амин бўласиз. Шанхайдаги бу ўзгаришларга ҳатто унча-бунча янгиликка беписанд қарайдиган японлар ҳам тан берган. Иқтисодий ислоҳотлар борасида инсоният ХХ асрда бундай тезкор юксалишнинг гувоҳи бўлмагани рост гап.

Бу юксалишнинг сабаби нимада? Шанхай хорижий сармоядорларни ўзининг қайси жиҳатлари билан жалб этяпти?

Шанхай ҳокими ўринбосари Цяо Кю Цэннинг айтишича, бунинг уч сабаби бор. Аввало, Шанхай — йирик порт шаҳри, жуғрофий жиҳатдан жуда қулай — уммон соҳилида ва бошқа йўллар кесишган ерда жойлашган. Жануби-Шарқий Осиёнинг энг йирик дарвозаси. Чет эллик сармоядорлар учун келиб-кетиш жуда ўнғай ва арзон. Иккинчидан, Шанхай аввалдан Хитойнинг йирик саноат маркази бўлиб келган. Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари мавжуд. Шаҳарда нинадан то ернинг сунъий йўлдошигача ишлаб чиқарилади. Учинчидан, илмий техника ривожи учун яхши база мавжуд, Шанхайда 50 дан зиёд олий ўқув юрти ишлаб турибди.

— Шанхайнинг юксалишига сабаб бўлаётган тўртинчи омил,— деди Ислом Каримов шаҳар раҳбарлари билан бўлган тантанали учрашувда,— бу сизларнинг ана шу имкониятдан моҳирлик билан фойдаланаётганингиз.

Шанхайнинг қисқа вақт ичида бунчалик катта муваффақиятга эришувининг яна бир боиси, унинг ХХР ҳукумати томонидан иқтисодий жиҳатдан мустақил ҳудуд деб эълон қилинганида. Айни пайтда шаҳарнинг ўзи ўнлаб ҳудудларга бўлинган. Улар ишлаб чиқаришда, сармоя сарфлашда мустақил ҳаракат қилади. Ишлаб чиқариш, ўзаро муносабатлар миллий анъаналар асосига қурилган. Илгари ишлаб чиқариш, бизда ҳам шўро замонида бўлганидек, режа асосида юқоридан бошқарилар эди. Энди аста-секин режали равишда бозор муносабатларига ўтилмоқда. "Хизмат кўрсатиш йўли билан бошқар" кўпчилик корхона раҳбарларининг шиорига айланиб бормоқда. Бу қадимги Хитой донишманди Конфуций фалсафасига жуда ҳамоҳанг. Шанхайда ҳар қадамда қатъий тартиб, талаб ва интизом мавжудлиги сезилади. Биронбир қурилиш иншооти ёнида чанг-тўзон, ташландиқ ер кўрмайсиз. Шу боис бўлса керак, иншоотлар тез ва сифатли қурилади. Улар ичида энг диққатга сазовори — кўп қаватли "Янпу" кўприги. Техник жиҳозланиши, имкониятлари, меъморий мукаммаллиги билан дунёда учинчи ўринда турувчи бу улкан иншоотнинг икки йилда қуриб битказилганига ишонгинг келмайди. Президентга Хитой сафарида ҳамроҳлик қилган республика қурилиш ташкилотларининг айрим раҳбарлари бу кўприкни, осмонўпар биноларни кўриб ҳаваси келганини сездик. Эрта бир кун шаҳар ва қишлоқларимизда Шанхайдагидек ўта, замонавий иншоотлар қад ростласа, уларда ушбу Хитой сафарининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бўлиши табиий. Ташриф мобайнида Хитой, хусусан Шанхай шаҳри билан тўғридан-тўғри темир йўл алоқасини йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

Марказий Осиёни Машҳад билан боғлайдиган темир йўл тезроқ ишга тушиб, унинг иккинчи учи Дружба шаҳри орқали Шанхайга етиб келса, бу муаммо ҳал бўлар эди. Шарқнинг икки дарвозаси — Тошкент билан Шанхай учун янгидан-янги имкониятлар очиларди. Хусусан, Шанхай бу темир йўл орқали Шарқий Европа мамлакатлари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатар эди.

— Биз Ўзбекистон билан бевосита алоқа ўрнатишдан жуда манфаатдормиз,— деди Цяо Кю Цэн.— Биламизки, мамлакатингиз иқтисодий жиҳатдан катта имкониятларга эга. Шу боис Президент Ислом Каримовнинг бу ташрифи халқларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожи тарихида янги саҳифа очишига шубҳа қилмаса бўлади.

***

ХХРга давлат ташрифи чоғида Президентимизга республика Бош вазири ўринбосарлари Р. Юнусов, С. Саидқосимов, М. Усмонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

Қулман ОЧИЛ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Пекин-Шанхай-Тошкент.

УЛУҒБЕК ҲАФТАЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРИЖ. 28 октябрь. (ЎзА махсус мухбири хабар қилади). ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида бошланган Улуғбек ҳафталиги давом этмоқда. ЮНЕСКОнинг кўргазмалар залида Мирзо Улуғбек ҳаёти, фаолияти, ўзбек миллий санъатининг тарихи ва бурунги ривожи ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма парижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Санъатшунос, тарихчи олимлар, санъат мухлислари нисбатан ихчам бу кўргазма орқали Улуғбек даври, халқимизнинг амалий санъати, тарихи билан танишиш имкониятига эга бўлаётирлар.

Ҳафталик иштирокчилари — ўзбек олимлари М. Хайруллаев, Ш. Эгамбердиев, Р. Холмуродов Париждаги турли институтларда бўлиб ҳамкасблари билан учрашмоқдалар, ўзаро фикр алмашмоқдалар, Улуғбек ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Делегация раҳбари, республика Бош вазирининг ўринбосари М. Шарифхўжаев ҳафталик доирасида Франция Республикасининг расмий вакиллари билан учрашувлар ўтказмоқда. У жумладан, Франция ишбилармонлар миллий кенгаши вице-президенти Ф. Жескардэстен, "Франция — Ўзбекистон" дўстлиги гуруҳи президенти Шарл Гербрант, Франция Президентининг маслаҳатчиси Жан Леви, "Франция — Марказий Осиё" дўстлиги гуруҳи президенти, Франция сенатининг ташқи ишлар ва мудофаа комиссияларининг раиси Жак Голлье билан учрашди. Учрашувларда иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий, ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида фикрлашилди. Бу борада Президентлар Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран олиб бораётган катта ишлар алоҳида таъкидланди. Бир йил муқаддам Ислом Каримовнинг Францияга ташрифи, шу йилнинг баҳорида Ф. Миттераннинг Ўзбекистонга сафари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлганига эътибор қаратилди...

Ўзбекистонлик санъаткорларнинг концертларини парижлик санъат мухлислари олқишлар билан кутиб олаётирлар. Улар Мирзо Улуғбек ҳақидаги ҳужжатли фильм, республикамизда Улуғбекнинг 600 йиллигига бағишлаб ўтган тантаналар ҳақида ҳикоя қилувчи видеолентадар орқали ўлкамизда тарихга, маданий меросга эътибор нечоғли катта эканини билиб олмоқдалар.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ.

КУН ТАРТИБИДА — ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган уч йил мобайнида ҳаётимизда, жумладан касаба уюшмалари фаолиятида катта ўзгаришлар юз берди. Унинг мазмун ва моҳияти, ҳаракат йўналишлари янгича аҳамият касб этди. Мустақил мамлакатимиз қонунлари асосида касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва мавқеи мустаҳкамланди. Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмасининг кеча бўлиб ўтган конференциясида делегатлар шу ҳақда мамнуният билан сўзладилар. Анжуманда маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитасининг раиси Ғ. Ғуломовнинг ҳисобот маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди. Маърузачи ва нотиқлар бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш касаба уюшмаларининг бош вазифаси эканини алоҳида таъкидладилар.

Конференцияда маданият ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг янги таркиби ва тармоқ касаба уюшмалари ҳамда республика касаба уюшмалари федерацияси қурултойига делегатлар сайланди.

Н. ШАКАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН

ИСЛОҲОТЧИЛАР, ВАТАНПАРВАР БУНЁДКОРЛАР ПАРТИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу ижобий силжишлар замирида партиямиз дастурий ғояларининг жозибадор кучи, унинг обрў-эътибори, жамиятнинг етакчи сиёсий ташкилоти бўлиб қолганлиги ётибди. Ўзбекистон ХДП эшиклари дастурий мақсадларимизга, сиёсатимизга қўшилувчи ҳамма кишилар учун очиқ. Бугунги кунда унинг сафларида 380 минг нафарга яқин зиёлилар, деҳқонлар, ишчилар, тадбиркорлар, ёшлар ва фахрийлар бўлиб, 12 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотига бирлашишган. Улар саксонга яқин миллат ва элатларнинг фарзандлари.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида ХДП ташкилотларининг ўрни ва вазифалари, Сизнинг-ча, нималардан иборат?

— Яхши биласиз, партиямиз мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш бош йўлини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Ҳозир партия ташкилотларимиз, биринчи галда, одамларда мулкчиликнинг янги шаклларига нисбатан тўғри, онгли муносабатни шакллантиришга кўмаклашмоқдалар. ХДП аъзоларининг учдан икки қисми моддий ишлаб чиқариш жабҳаларида меҳнат қилиб, иқтисодий ўзгаришларда бевосита иштирок этмоқдалар.

Эндиги вазифа — Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида таъкидлаганидек, иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан қиёмига етказиш, уларнинг самарасидан баҳраманд бўлишдир. Бунинг учун бошланган олижаноб ишларни, жумладан, мулкни хусусийлаштиришни давом эттириш, уни ўз эгасига топшириш даркор. Мана, партия ташкилотлари нималарга қодир эканликларини кўрсатадиган кенг майдон. Бу — ҳаёт талаби, замон тақозоси!

— Абдулҳафиз Марахимович! Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи кун тартибига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ва унда ХДПнинг иштироки ҳақидаги масала киритилган. Бу сайловлар партиямиз учун яна бир, айтиш мумкинки, жиддий синов бўлади. Шундай эмасми?

— Шак-шубҳасиз. 25 декабрда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайловлар тайинланган. У давлат ҳокимияти вакиллик идораларига бўлган илгариги сайловлардан тубдан фарқ қилиб, илк бор кўппартиялилик асосида, демократик қоидаларга тўла риоя этилган ҳолда ўтказилади. Бу — Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлади, деб ўйлаймиз.

Маълумки, яна икки кундан кейин Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойи бўлиб ўтади. Бу партиямиз, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Шу сабабдан қурултойга вақт жуда кам бўлишига қарамасдан, пухта тайёргарлик кўрилди. Жойларда бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишлари, туман, шаҳар, вилоят партия кенгашлари пленумлари бўлиб ўтиб, уларда давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари депутатлигига номзодлар кўрсатилди, Олий Мажлис депутатлигига номзодларга доир таклифлар берилди. ЎзХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойига делегатлар сайланди. Партиямиз ташкилотлари, кенгашларининг йиғилиш ва пленумларининг қатнашчилари барча туман ҳамда вилоятларда қурултойимизнинг делегатлигига партиямиз Раиси, мамлакат Президенти И. А. Каримовни биринчи номзод этиб кўрсатдилар. Бу — юртбошимизнинг ички ва ташқи сиёсат соҳаларидаги фаолияти бутун партиямиз томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганлигининг ўзига хос ифодасидир.

Қурултой сайлов билан боғлиқ масалаларни ҳамда партиямиз ташкилотларининг шу соҳадаги долзарб вазифаларини кўриб чиқади, сайловолди Сиёсий дастуримиз матнини тасдиқлайди.

Биз партиямизни одатда мамлакатимизнинг етакчи, энг йирик сиёсий кучи деб аталмиз. Бугунга келиб, унинг аслида ҳам шундайлигини, ҳозирги мавқеини мазкур сайловлар натижалари орқали яна бир карра тасдиқлатиб олишимиз керак. Бунинг учун эса, партиямиздан сайловларда ишончли ғалаба қозониш талаб қилинади, яъни бизнинг депутатларимиз Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда энг камида оддий кўпчиликни ташкил этишлари лозим. Кўппартиялилик асосида ўтадиган сайловларнинг умумсиёсий натижалари, партиямиз Раисининг мамлакатимиз Президенти эканликлари ҳам бизни айни шу мақсадларни кўзлаб иш олиб боришга ундамоқда. Айни мана шундай мақомга эришгандагина Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатнинг нуфузли сиёсий ташкилоти сифатида халқимизнинг эзгу орзу-умидларини, қурултойимизда қабул қилинадиган сайловолди Сиёсий дастуримиздаги ваъдаю мажбуриятларни бажариш имкониятига эга бўлади. Ҳозирча сайловолди дастлабки қадамларимиз яхшиликдан дарак бермоқда. Масалан, ЎзХДПнинг сайловларда қатнашишини еқлаб 50 минг имзони тўплашимиз керак эди, амалда эса юз мингдан ортиқ имзо йиғилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз депутатликка номзод қилиб кўрсатаётган кишилар ҳалол-пок, мамлакат ишига фидойи, ислоҳотлар йўлига садоқатли, элим, юртим деб ёниб яшайдиган инсонлардир. Айни пайтда хотиржамликка сира ҳам берила олмаймиз. Аксинча, бутун диққат-эътиборимизни сайловолди мавсумидаги асосий вазифаларни самарали ҳал этишга қаратмоғимиз керак.

— Матбуот хабарларидан маълумки, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми республиканинг бир қатор жамоат ташкилотлари билан сайловолди ҳамкорлиги тўғрисида келишиб олди. Икки томонлама имзоланган битимларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?

— Партиямиз дунёга келган дастлабки пайтларданоқ, дастурий мақсадларни амалга ошириш учун ўзига хайрихоҳ ва тарафдор жамоат ташкилотлари, уюшмалар билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи билан партиямизнинг ҳамкорлиги икки томонлама шартномага асосланади. Кўпгина жамоат ташкилотлари билан битимлар тузмаган бўлсакда, яхшигина алоқаларимиз мавжуд. Бундай алоқаларнинг ўзаро фойдали эканлигини ҳисобга олиб, партиямиз Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмасининг Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви, Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Ногиронлар жамияти Марказий Кенгаши, Байналминал маданий маркази раҳбарияти билан сайловлар даврида ўзаро ҳамкорлик қилиш хусусида келишиб олди. Ҳамкорларимиз депутатликка бизнинг номзодларнинг сайланишини таъминлаш мақсадида уларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида ўз аъзоларига мурожаат қилиш мажбуриятини олдилар.

Партиямиз эса, ўз навбатида, қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, депутатликка номзодларнинг ҳокимият вакиллик идораларига сайланганларидан кейинги фаолиятларида ушбу жамоат ташкилотларининг манфаатлари ва муаммоларини собитқадамлик билан ифода қилишни зиммасига олди.

Бу келишувлар Ўзбекистоннинг равнақи, истиқлолимизнинг нурли истиқболини яқинлаштириш ғояси атрофида халқимизни, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни жипслаштиришга, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

— Қурултой муҳокамасига Ўзбекистон ХДП Низомига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам қўйилмоқда. Бунга сабаб нима?

— Ўтган уч йил мобайнида партиямиз каби унинг асосий ҳужжатлари — Дастури ва Низоми ҳам давр синовидан, умуман, муваффақиятли ўтди, дейиш учун бизда асос бор. Лекин, ҳамма гап шундан иборатки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. У доим ҳаракатда, янгиланишда. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида юз бераётган шиддаткорона ўзгаришлар шундан далолат. Булар ва амалий ишларимиз тажрибаси қатор ҳужжатларга, жумладан, Низомга айрим ўзгартиш ва аниқликлар киритишни тақозо этмоқда. Лекин, гап баъзилар ўйлаётганидек, янги таҳрирдаги Низом матнини қабул қилиш тўғрисида эмас, балки мавжуд матнга айрим ўзгартишлар киритиш тўғрисида боради, холос.

— Охирги, анъанавий савол: ХДП ташкил топганлигининг уч йиллиги ҳамда навбатдан ташқари II қурултойимиз арафасида партия аъзоларига қандай тилак ва истакларингиз бор?

— Аввало, уларни партиямиз ҳаётидаги ана шу қутлуғ сана ва муҳим воқеа билан чин қалбдан қутлайман. Юқорида айтиб ўтганимдек, сайловларда фаол иштирок этиш ва уларда ишончли ғалабани қўлга киритиб, партиямизнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, Президентимизга пишиқ-пухта, мустаҳкам сиёсий таянч бўлишни таъминлаш партиямиз олдида турган бош вазифадир. Тўғри, бу-кийин, аммо ҳал қилиш мумкин бўлган иш. Мен партиямиз аъзоларини руҳан тетикликка, интизом, уюшқоқлик ва ташаббускорликда намуна кўрсатишга даъват этмоқчиман. Партиямизнинг аниқ мақсади, назарий негизи, улкан салоҳияти, бой тажрибаси, энг асосийси — халқимизнинг барча қатламларида минглаб тарафдорлари бор. Бундай куч сайловларда ғалаба қозонишнинг муҳим омилидир. Эндиликда, ҳамма гап ушбу омилдан самарали фойдалана билишда. Ўйлайманки, бизга омад ёр бўлгай.

УМИДЛИ ВОРИСЛАР

Партиянинг ёшларга оид сиёсати истиқлолни мустаҳкамлаш, туб иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш, халқнинг орзу-умидларига мос демократик ҳуқуқий давлатни ва адолатли жамиятни бунёд этиш, юртни дунёга танитишга асосланган. Шу боисдан ҳам партия ташкилотлари Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда ишламоқдалар.

Туманимизда масъулиятли лавозимларга ташаббускор, тадбиркор, меҳнатсевар ёшлар танлаб қўйилаётир. Ғафуржон Қўчқоров ана шундайлардан бири. У бир неча йил бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Ишда ўзини кўрсатди. ХДП аъзоси Ғ. Қўчқоровни туман раҳбарияти янги ташкил топган "Қўштепа" жамоа хўжалиги бошқаруви раислигига лозим кўриб янглишмади. Ҳозир "Найман" хўжалигини бошқараётган Обиджон Кенжаев ҳам ана шундай ҳалол меҳнати билан қадр-қимматини ошираётганлардан. "Дўстлик" хўжалиги раиси Акбарали Рапиғалиев ҳам ҳамқишлоқлари ҳурмат-эътиборини қозонмоқда. Жамоани моҳирлик билан бошқариш, режаларни муваффақиятли бажаришга ҳаракат қилмоқда. Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси биринчи котиби бўлиб ишлаган Алишер Довулов ҳозир туман ҳокимининг муовини. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Юрагида ўти, билагида куч-қуввати жўш урган йигит-қизларга юксак ишонч билдирилянти. Улар раҳбарлик лавозимларига дадил қўйилаётир. Бундай фидойилар ҳисобига партия қатламини ўстириб боряпмиз. Ҳозир ХДП аъзоларининг 17 фоизи, янги қабул қилинганларнинг эса 52 фоизи 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси биринчи котиби Ўзбекистон ХДП туман партия кенгаши ижроия бюросининг аъзоси бўлса, туман кенгаши иккинчи котиби. Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси бюроси аъзосидир.

Ёш авлодни ЎзХДП Миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида тарбиялаш юзасидан қўшма пленум ўтказдик. Унда ютуқ ва камчиликлар, ХДП ва ёшлар ташкилотларининг ўрни, галдаги вазифалари тўғрисида фикрлашиб олинди.

"Иш билан таъминлаш" дастурига асосан жорий йилда 3000 нафар кишига меҳнат жойлари яратиш мўлжалланмоқда. Туркиянинг "Бурсел" фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона қурилмоқда.

Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолияти кенгаймоқда. Мингга яқин тадбиркор ишлаётган бўлса, уларнинг 65 фоизи ёшлардир. Бу борада "Найман", "Навбаҳор", "Чодак" жамоа хўжаликларида ишлар яхши йўлга қўйилган. Бироқ "Водий", "Машъал", Беруний номли жамоа хўжаликларининг раҳбарлари деҳқон-фермерлар ҳаракатини ривожлантиришга жиддий аҳамият бермаяптилар. Демак, бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Партия аъзолари, айниқса, ёшлар бир ғайратга-ўн ғайрат қўшиб ишлашлари даркор.

Ҳайдаржон ПАРПИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Поп туман кенгашининг биринчи котиби.

ТАРАДДУД

Партиямиз ташкил топган куннинг уч йиллигига қизғин ҳозирлик кўряпмиз. Партия фахрийлари иштирокида маҳаллаларда, жамоа хўжаликларида, ёшлар даврасида учрашувлар ўтказилаётир. Айниқса, сафимизга илк бор қабул қилинганлар билан ва янги бошланғич партия ташкилотлари тузаётган жамоаларда уюштирилаётган давра суҳбатлари, тантанали йиғинлар жонли ўтмоқда.

"Оила йили"га бағишлаб "Аёл, оила ва жамият" мавзуида ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уч йиллиги муносабати билан ўтказилган байрамолди шодиёнасида партия фаоллари, туман хотин-қизларининг вакиллари, қўшни Ўрта Чирчиқ тумани хотин-қизлар кенгаши ҳайъати аъзолари иштирок этдилар.

Шу куни ўн нафар хотин-қиз Ўзбекистон ХДП сафига қабул қилинди. Партиянинг янги аъзолари орасида тумандаги "Муножот" фольклор-этнографик халқ дастасининг раҳбари, меҳнат фахрийси Баҳринисо Пардаҳўжаева, мазкур дастанинг иштирокчиларидан М. Раҳимхўжаева, Қ. Тоғаева, М. Пўлатхўжаева ҳамда тадбиркорлар, хусусий мулк эгалари ва ёшлар бор. Даста бошланғич партия ташкилотига жамоанинг ёш аъзоларидан бири Умиджон Саиджонов котиб этиб сайланди.

Маросимдан сўнг янги тузилган "Муножот" фольклор-этнографик халқ дастаси бошланғич партия ташкилотига бириккан аъзолар билан қисқача суҳбат ўтказилди. Ўзаро мулоқот чоғида сўзга чиққанлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафида туриб, мустақил Ватанимизнинг иқтисодий, маънавий баркамоллигини ошириш, ёшлар тарбиясида фаол қатнашиш, миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни қайта тиклашда жонкуярлик кўрсатишларини бир овоздан таъкидладилар. Тўғрисини айтганда, биз хотин-қизларимиздаги дадиллик, тетиклик ва шижоатни кўриб севиндик. Сафимиз соғлом фикрли, пок ва жамият учун куюнчак кишилар билан тўлиб бораётганлигини қалбдан ҳис этдик.

Айни пайтда туманда Олий Мажлисга, вилоят, туман кенгашларига бўладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Шунингдек, туман кенгаши партия ташкил топган кун олдидан амалий ишларни белгиланган тадбирлар асосида бир маромда ўтказиб келаётир.

Миршомил МИРАЗИЗОВ,
Юқори Чирчиқ тумани партия кенгашининг биринчи котиби.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

"Ўзбекистон овози"нинг қурултойолди анкета саволларига Ғиждувон туманидаги "Оқ олтин" жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Садриддин ЖЎРАЕВ жавоб беради

1. Партия ташкилотингизнинг қурултойдан қурултойгача бўлган даврдаги фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Таъсис қурултойидан кейинги ўтган уч йил партиямиз учун ҳам синов, ҳам қад ростлаш даври бўлди. Бу вақт мобайнида собиқ компартиядан фарқли ўлароқ янги типдаги партия халқнинг манфаатларини кўзлаши, ўз фаолиятининг мазмун-моҳияти ва мақсади билан жамиятимизда муҳим ўрин тутаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Хўжалигимиз бошланғич партия ташкилотининг нуфузи партия аъзоларининг фаоллигида намоён бўлаётир. Дастлабки йили 110 киши ХДПга аъзоликка ўтган бўлса, ҳозир бу миқдор 192 нафарга етди. Биргина шу йилнинг ўзида қариб 30 киши партиямиз сафига кирди. Фаолиятимизнинг жонланиши — бу аъзолар билан мунтазам иш олиб бориш демакдир. 17 та қишлоқ цех партия ташкилоти атрофига уюшган турли касбдаги партия аъзолари бозор иқтисоднёти қийинчиликларини енгиш, ислоҳотларни тўла-тўкис рўёбга чиқариш борасида амалий иш олиб бормоқдалар. Бунинг эвазига муайян ижобий натижаларга эришиляпти. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, фермер хўжаликларини ривожлантириш масалаларида бошқа хўжаликларга қараганда анча илгарилаб кетдик. Шунинг ўзи ҳам партия ташкилотлари фаолиятини ижобий деб айтишимизга шубҳа туғдирмайди, албатта.

2. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳақида фикрингиз?

— Жамият ҳеч қачон мафкурасиз бўлмайди, албатта. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасини яратишда партия аъзоларимиз фаол қатнашдилар. Мамлакатимиздаги барча миллат, элатлар миллий истиқлол мафкураси моҳиятини чуқур англаганликлари туфайли ҳам унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни яққол сезилиб турибди. Истиқлол мафкураси эски мафкурадан тубдан фарқ қилади. Унда ўртага қўйилган мақсад ва вазифалар — миллий, айни чоғда жамият тараққиётига мос умуминсоний қадриятларни ҳаётийлаштириш, партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш, халқни қисқа муддатда қийинчиликлардан чиқишга, келажаги буюк давлатни қуришга руҳлантиришдан иборат. Шунинг билан ҳам у катта аҳамият касб этади.

3. Партия аъзоси сифатида ўз ишингиздан қониқасизми?

— Ҳа, албатта. Мана, 11 йилдирки, партия ишида ишлаб келяпман. Бу ишда анча тажрибага эгаман, десам муболаға бўлмас. Бундан ташқари, ижроия бюро катта кучга эга. Юзага келаётган муаммоларнинг ечимини топишда Ҳошим Сувонов, Муртазо Тошев, Зебо Бозорова сингари бюро аъзолари ташаббускорлик, фаоллик кўрсатмоқдалар. Хусусан, аҳолининг кам таъминланган қисми, аниқроғи, 43 та оила партия аъзоларимизнинг доимий назоратида. Улар бошланғич ташкилот, партия фаоллари ташаббусига кўра хўжалик ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилибди. Очиғини айтсам, котиб сифатида бошқарув ранг-сига эмас, кўпроқ менга турли мурожаатлар билан келишаётгани маънавий мадад бўлаётир.

4. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг келажагини қандай тасаввур этасиз?

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси мен аминманки, келажаги порлоқ партия. Сабаби унинг сафлари ёшлар билан тез тўлиб бораяпти. Президентимиз олиб бораётган сиёсат партия мақсадлари билан уйғунлашиб кетаётгани ҳам бундан далолат бериб турибди. Аммо, ҳали ишимизда анчагина қусурлар мавжуд. Баъзан барча ишларга ҳам улгуравермаймиз. Ҳар вақт, ҳар дақиқа халқнинг ташвиши ва қувончлари билан яшашимиз, турмушда бир қарашда майда-чуйда ишдек кўринадиган масалаларга ҳам ҳеч бепарво бўлмаслигимиз лозим. Партиянинг обрўси кўпроқ биз, котибларнинг саъй ҳаракатлари, фаолларнинг меҳнатига боғлиқлигини эсдан чиқармаслигимиз зарур. Партия фахрийларни рағбатлантириб бориш, улар тажрибаларини фаолиятимизда қўллаш фойдадан холи эмаслигини ҳам яхши биламиз. Бир сўз билан айтганда, партиянинг келажагига ва яқинда бўладиган сайловларда ютиб чиқишига ҳам ишонамиз. Бунинг учун бор куч ғайратимизни сафарбар этамиз. ЎзХДП ҳар қандай муҳолиф партия билан рақобатлашиш қудратига эга.

Даврон БАҲРОНОВ суҳбатлашди.

30 октябрь — Автомобилчилар куни

ЙЎЛ ТАНОБИНИ ТОРТИБ...

"Тошвилюктранс" давлат акционерлик автокорхоналари концерни пойтахт вилоят туманларидаги 12 та автокорхонани ўз ичига олади. Яқинда бу ерда муҳим ва хайрли ишга қўл урилди. Мамлакатимизда биринчи бўлиб дизель ёқилғиси билан иш юритувчи техникаларни газ-дизель усулига ўтказишга киришилди. Хўш, бу янгилик концерн автокорхоналарига нима берди деб ўйларсиз? Эндиликда ҳар бир КамАЗ автомашинаси бу билан бир йилда 4,5 тонна дизель ёқилғисини иқтисод қилиши мумкин. Биргина бир машина иқтисод қилган мана шу ёқилғи билан эса минглаб тонналаб пахталарни териш, минглаб чақирим йўлларни босиш, қанчадан-қанчалаб юкларни ташиш мумкин бўлади.

Ҳозирча концернда 12та машина шу йўсинда ишламоқда. Йил охиригача эса яна 25та автомашина янги усулга ўтказилиши кўзда тутилган.

Демак, жорий йил концерн фаолиятида синов йили бўлмоқда. Бунинг учун аввало ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, маошларини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ҳисобига иш унумини кескин кўтариш асосий мақсад қилиб қўйилганлиги бу борада қўл келмоқда.

Концерн ўтган йилги режасини ҳам ошириб бажарди. Натижада режадан ташқари 15 миллиард сўм-купон даромад қилиниб, фойда 3 миллиард 600 миллионни ташкил этганди. Концерн корхоналарида иқтисодий қийинчиликларни енгиш мақсадида бартер йўли билан Россия ва Украинадан эҳтиёт қисмлар олинмоқда. Буларнинг ҳаммаси фақат ишбилармонлик, интилувчанлик ҳисобига амалга оширилаётганлигидан дарак бермоқда. Маълумки, ушбу давлатларнинг халқ хўжалиги бизда етиштирилаётган маҳсулотларга муҳтож. Пировардида концерн корхоналари товар айирбошлаш эвазига 10,5 мингдан зиёд автошина, 2 мингдан зиёд аккумулятор, 17та янги двигатель, 10та КАЗ автомашинаси ва бошқа бир қанча эҳтиёт қисмларга эга бўлди.

Концерн қошидаги "Камолот" ишлаб чиқариш тажриба фирмаси асосан корхоналарнинг моддий-техник таъминоти билан бевосита шуғулланади. Юқорида келтирган рақамларнинг ҳам юзага келишида "Камолот"нинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Масъулиятни ошириш, меҳнат интизомини янада кучайтириш мақсадида "Фалокатсиз ишлагани учун" нишони таъсис этилган. Концерн бўйича 881 ҳайдовчининг шундай нишон соҳиби бўлганлиги мақтовга лойиқ. Қувонарлиси, бу ерда 118 кишини "миллионерлар" деб аташади. Чунки улар 1 миллион чақиримдан зиёд йўлни қоидани бузмай ўтган ҳайдовчилардир.

Концернга қарашли автокорхоналар Ангрен кўмир конида, Олмалиқ тоғ-кон-металлургия комбинатида, Чорвоқ ГЭСида, Бекобод цемент комбинатида, вилоятнинг бошқа туманларида турли ишларни бажармоқда. Ўтган 9 ой ичида концерннинг даромадлари ҳам янгича кайфиятда меҳнатга муносабатини шакллантирмоқда.

Фан-техника янгиликларини жорий этиш корхоналарда кенг қулоч ёймоқда. 35та IBM компьютерларида корхонанинг барча ҳисоб-китоб ишлари аниқ олиб борилмоқда.

— Бизни бир муаммо қийнаб турибди,— дейди концерн директори, иқтисод фанлари номзоди Собиржон Юсупов.— Бу қарздор ташкилотларнинг бизга ўз вақтида тегишли хизмат учун пулимизни ўтказмаётганлигидир. Масалан, "Ўзқурилишматериал" концерни биздан икки ярим миллион, "Ўздавлатметалл" концерни икки ярим миллион, "Ўзсаноатфуқароқурилиш" бир ярим миллион сўм арз. Жами дебитор қарзлар эса 24 миллион сўмни ташкил этяпти. "Тошвилюктранс" концерни жамоасини қийнаб келаётган муаммолардан бири пул муаммоси. Қарз олишни билган ташкилотлар уни ўз вақтида тўлашни ҳам эплашлари керакда ахир!

Автотранспорт ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон автомобиль транспорти акционерлик корпорацияси қарори билан ҳайдовчи Ў. Холматов, созловчи У. Таубаев Фахрий автотранспортчи нишони билан, яна 9 ҳайдовчи Фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Нарзулла ШОНИЁЗОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



Челак туманидаги ихтисослашган автокорхона жамоаси матлубот уюшмасига қарашли дўконларга аҳоли учун биринчи навбатда зарур бўлган истеъмол молларини ўз вақтида етказиб бермоқда. Ҳозир автотранспортчилар ҳар ойда қарийб 1500 тонна халқ хўжалиги юкларини ташимоқда.

Айни пайтда корхона маъмурияти ўз ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўряпти. Ҳайдовчиларга ёрдам пули берилмоқда, газета-журналларга ташкилот ҳисобидан бепул обуна қилинаяпти.

СУРАТДА: корхона раҳбари Нарзулла Ҳамидов (ўртада) ҳайдовчилар билан янги иш режаларини муҳокама этмоқда.

Рустам ХИДИРОВ олган сурат.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Қадрли муштарийлар!

Севимли газетангиз **"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"**га обуна бўлдингизми? Ҳозир республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида **"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"** газетаси учун 1995 йилга обуна давом этяпти.

Сиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"газетасида республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги янгиликлар, бутун жаҳонда бўлаётган воқеалар, шунингдек, турли рукнлар остида барча соҳаларга, сиёсий партиялар фаолиятларига тегишли хабарлар билан танишиб бориш икониятига эга бўласиз.

Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилади. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, унга **ОБУНА БЎЛИНГ**!

Билиб қўйинг, бизнинг газетамиз обуна баҳоси республика етакчи рўзномалари орасида энг арзонидир.

Фуқаролар учун:
бир йилга — 252 сўм,
олти ойга — 126 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 528 сўм,
олти ойга — 264 сўм.

"ЎРТА ОСИЁТРАНС"

Сизни қутлайди!

Азиз ҳамкасб дўстлар!

Сизларни мамлакатимиз Автомобилчилари куни билан қутлаймиз. Мана яқиндагина она Ватанимиз мустақиллигининг уч йиллигини буюк ифтихор туйғуси, зўр шоду хуррамлик билан нишонлаган эдик. Зеро, ана шу тарихан қисқа давр ичида серқуёш диёримиз ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистонни бутун жаҳон таниди.

Келажаги буюк юртимизни қитъалар ва мамлакатлар оша танитишда, уни иқтисодий жиҳатдан равнақ топтиришда Ўзбекистон автотранспорт ходимларининг, шу жумладан, "Ўрта Осиё транс" фирмаси жамоасининг ҳам муносиб улуши бор. Биз эндиликда Осиёдан кўҳна Оврўпогача транспорт хизматини йўлга қўйдик. Белига қоплон рамзи туширилган юзлаб автомашиналаримиз МДҲ давлатлари, Германия, Франция, Голландия, Бельгия, Италия, Австрия, Финляндия, Туркия, Хитой, Польша, Венгрия, Болгария, Чехия ва бошқа ўнлаб хорижий мамлакатларга юк ташиб, юк олиб қайтмоқда.

Европанинг йирик DANZAS, LKW WALTER, WILLI BETZ, F+O, VOLLERS ва бошқа экспедиторлик компаниялари бизнинг ишончли шерикларимиздир.

Мавриддан фойдаланиб, мамлакатимиз автотранспортчиларини касб байрамлари билан чин дилдан қутлаймиз. Уларнинг хайрли сафарларига оқ йўл тилаймиз.

"Ўрта Осиё транс" билан ҳамкорлик қилишни хоҳловчи корхона ва ташкилотларга, фирмаларга эшигимиз доимо очиқ. Юкларингизни Оврўпо ва Осиёнинг исталган мамлакатига етказиб беришимиз ёки олиб келишимиз мумкин. Биз билан ҳамкорлик— муваффақият гаровидир!

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, "Буюк ипак йўли" шоҳкўчаси, 75-уй. Телефонлар: 68-76-34, 68-92-74.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан кейин мамлакатимизга жаҳоннинг турли давлатларидан ташриф буюраётган делегациялар, мутахассислар гуруҳлари кўпаймоқда. Меҳмон — отангдан улуғ, — деган гап бор. Халқимизнинг меҳмондўстлик одобига инсоний фазилатлар сингиб кетган. Бундай ҳурмат эҳтиром намунасини "Туркистон" гўшасида ҳар тонг, ҳар оқшом кўриш мумкин. Ушбу файзли масканда меҳмонларга хизмат кўрсатиш маданияти ошиб бормоқда. Унинг раҳбари Азиз ҳурбонов билан суҳбатимиз меҳнат жамоаси ва унинг фаолияти ҳақида борди.

"ТАШРИФИНГИЗДАН МАМНУНМИЗ"

ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНГАН "ТУРКИСТОН" МЕҲМОНХОНАСИДА АНА ШУ СЎЗ БИЛАН ҚАРШИ ОЛИШАДИ

— Азиз Қурбонович, бу шинам бино қачон қад ростлаган эди?

— Бундан ўттиз йил муқаддам Тошкентнинг Бўржар ариғи ёнида ана шу меҳмонхона ишга тушди. Бу даргоҳ кўплаб меҳмонларни ўз бағрига чорлади. Республика Давлат қурилиши қўмитасининг лойиҳа институти мутахассислари чизмалари асосида бунёд бўлган бу бино меъморий жиҳатларига кўра юксак талабларга жавоб бера олиш билан замонавий эди. Кейинроқ унинг кенг ва баҳаво бағри янги бинолар билан яна кенгайиб, ўринлар сони 100 дан ошди. Унда ҳукумат делегациялари, жамоат арбоблари, машҳур кишилар ва буюк санъаткорлар қўниб ўтдилар.

— Мўътабар меҳмонлардан кимларни айта оласиз?

— Ҳиндистоннинг атоқли давлат арбоби Индира Ганди, фазогирлар Юрий Гагарин, Герман Титов, машҳур артистлардан Людмила Зикина, Юрий Никулин, Евгений Моргунов, Аркадий Райкин, Алла Пугачева, София Ротару ва бошқа кўплаб таниқли шахсларнинг номларини айтишим мумкин.

— Ҳозирги пайтда жамоа қандай ниятлар билан яшамоқда?

Хизмат кўрсатиш маданияти ва сифати мунтазам ўсиши натижасида ишда қувонарли ютуқларга эришяпмиз. Оқибатда 1988 йилдан бошлаб шу йилнинг 9 ойигача бўлган даврда олинган ялпи даромад 501,8 минг сўмни ташкил этди. 1992 йилдан шу йилнинг 9 ойи мобайнида тушум 394,8 минг АҚШ долларидан иборат бўлди.

Масканимиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Ишлар бошқармаси қарамоғига ўтгач, масъулиятимиз янада ошди. Раҳбарият ишимиз билан мунтазам қизиқмоқда ва яқиндан амалий ёрдам беряпти. Уларнинг кўмагида меҳмонхонамиз замонавий ускуналар билан жиҳозланди, хоналар ўз вақтида таъмирланди, малакали хизматчи ходимлар танланди.

Меҳмонхонада яшовчиларга хизмат ва сервис кўрсатишда янгидан-янги илғор иш усуллари жорий этиляпти. Мижозларни овқатлантириш ва уларга автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Киномеханик Курганов, хизматчилар В. Мичник, К. Бессонова, А. Нажмиддинова, катта ошпаз М. Зеленков ва Т. Норхўжаевлар хизматидан мижозлар доимо мамнун. Шунингдек, кўп йиллардан буён ҳалол ишлаб келаётган администраторлар Е. Чаусова ва Л. Смирнова, бош муҳандис А. Тугучев, хўжалик мудири О. Волосова, зал мудири А. Холопова, ишчилар Т. Кальницкая ва Р. Сулаймонова ҳамда бошқалар намунали хизмат кўрсатишда ибрат бўлишяпти.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Алоқа вазирлиги "Матбуот уюшмаси"

Ф СП - 1

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" 64583
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)
рўзномасига ОБУНА
обуна сони
1995 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

		64583
п. в.	жойи	(нашр кўрсаткичи)

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1995 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	1

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Юрти бойнинг ўзи бой

ЎТТИЗ КИЛОЛИ КУРКА...

Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг долзарб вазифалардан бири. Бу борада паррандабоқарлар ҳам самарали натижаларга эришмоқда.

Ҳозирги шароитда мазкур соҳани кенг ривожлантириш, янги-янги наслчиликка ихтисослашган паррандачилик фабрикаларини ишга тушириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси "Паррандасаноат" бирлашмаси раиси Ҳ. Йўлдошевга бир неча савол билан мурожаат этди.

— Ҳамиджон Йўлдошевич, халқимизда "Парранда — етти хазинанинг бири" деган гап бор. Хўш, бу тармоқнинг бугунги аҳволи қандай?

— Барча соҳалар билан бир қаторда паррандачилик саноати ҳам ривожланиб бораяпти. Айни чоғда республикамизда 75 та паррандачилик фабрикаси мавжуд. Улар йил давомида 15 минг тонна парҳез гўшти ва 600 миллион дона тухум етказиб бермоқда. Шунингдек, 11 та паррандачилик тармоғимизда наслдор товуқлар боқилиши йўлга қўйилган. Шу ўринда Тошкент парранда фабрикаси ҳамда Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги тухум етказиб беришга мўлжалланган фабрикаларнинг ишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Тошкент вилоятидаги Шароф Рашидов номли паррандачилик фабрикаси эса бир кунда 300 минг дона тухум етказиб бериш имкониятига эга. Бу республикамиз фабрикалари ичидаги энг юқори кўрсаткичдир.

— Паррандачиликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Собиқ Иттифоқ даврида парранда гўшти ва тухумнинг 50 фоизи Болтиқ бўйи, Россия ҳамда Украинадан келтирилар эди.

Ҳозир олдимизда турган энг асосий вазифа — ички эҳтиёжларимизни ўзимиз қондириш. Шу мақсадда Урганч наслчилик фабрикаларида Исроилнинг машҳур "Мад" фирмасининг технологияси қўлланилмоқда. Айниқса, Фарғона вилоятининг Чимён қишлоғидаги паррандачилик агрофирмасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Яқинда республикамиз Президенти Ислом Каримов Фарғона водийси бўйлаб қилган сафари чоғида ана шу агрофирмада ҳам бўлди. Бу ерда уч йил муқаддам маҳаллий паррандабоқарларимиз билан исроиллик мутахассислар ҳамкорлигида Голландиянинг "оқ хайбрид" курка зотини парваришлаш йўлга қўйилган эди. Эндиликда унда етиштирилаётган парҳез гўшт маҳсулотлари агрофирманинг 10 дан ортиқ дўконларида сотилмоқда. Ушбу парранда тури сергўштлиги билан ажралиб туради. Яхшилаб, парваришлаб боқилган курка 30 килограммгача гўшт бериши мумкин. Бундай мутахассисларимиз бирлашмамиз фабрикаларига олиб келишди. Келажакда қилинадиган ишлар кўп. Иккита наслчилик заводини қуриш, 8 та омухта ем тайёрлайдиган тегирмонларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда сервитаминли ем тайёрлаш заводларини қуришни режалаштирганмиз. 1997 йилга келиб республикамиз аҳолисига йилига 80 минг тонна парҳез гўшти (шундан 30 минг тоннаси курка гўшти) ҳамда 1,5 миллиард дона тухум етказиб берилади.

— Аҳолига парҳез гўшти ва тухум етказиб бериш учун айни кунларда амалга оширилаётган ишлар қандай кетяпти?

— Етиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми давлат савдо дўконлари орқали сотилмоқда. Шу кундаги зарур вазифаларимиздан бири фақат Тошкент шаҳридагина эмас, балки барча вилоятларда махсус савдо дўконларини кўпайтиришдан иборат. Пойтахтимизнинг деярли барча туманларида ихтисослашган дўконларимиз фаолият кўрсатмоқда. Вилоятлардаги махсус дўконларни очишда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятидаги мутасадди раҳбарлар яқиндан ёрдам берсалар айни муддао бўлур эди

Умуман келгусида паррандачилик тармоғида қатор ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Мақсадимиз — бундан кейин ҳам аҳолининг парҳез гўшти ва тухумга бўлган талаб-эҳтиёжини имкони борича қондиришга қаратилган.

Мирбахтиер МИРФАЙЗИЕВ суҳбатланди.

<<КВАРЦ>>

Ишлаб чиқариш бирлашмаси чекланмаган миқдорда яроқсиз бўлган шиша идиш синиқларини тозалигига қараб 1 тоннасини 500 сўмга бўлган нархда

СОТИБ ОЛАДИ

Ёки шиша идишлари синиқларини етказиб берган ташкилот мавоза (бартер) усули билан бирлашмада ишлаб чиқариладиган шиша банкалари, бутилкалари ва қурилиш ғишти олиши мумкин.

Бизнинг манзилимиз: *Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2а уй. "Кварц" ишлаб чиқариш бирлашмаси.*

Маълумот учун телефонлар: 3-21-73, 3-26-28.

ВАТАН ТУПРОҒИН ЎПҒИЛУ...

Шеър юракдан тўкилади. Кўнглида яхшилик, меҳр-муҳаббати борлар бу сирли дунёнинг бор қувонч-азобларини тотиб яшайдилар. Гулчеҳранинг ҳам назмда бир сўз айтгиси келиб юргани ушбу машқларида сезилади. Улар ҳақида фикр билдирмоқ ва баҳо айтмоқ...

Яхшиси, шеърлари билан танишайлик.

ИХТИЁР ЭТ

Гарчи ҳурмат тилар эрсанг,
Одамийликни одат эт.
Ўзингни ҳеч баланд тутма,
Тупроқ-ерликни ихтиёр эт.

Агар халқнинг саодати
Сен учун бир шараф бўлса,
Ватан тупроғин ўпғилу,
Заҳматини ихтиёр эт.

Шараф тожинг эрур меҳнат,
Ҳурлигинг ҳам фақат шундан.
Агар обрў тилар эрсанг,
Хуш каломни ихтиёр эт.

Киши кўнглин овла доим,
Ахир одам топилмасдир.
Гулчеҳранинг англа ҳолин,
Дарду дилин ихтиёр эт.

***

Баҳор дебмиз, баҳоримиз ўтибди,
Мунгли кузнинг келганини билмабмиз.
Қайтмас кунлар бизни ташлаб кетибди,
Лаҳзаларни назарларга илмабмиз.

Севдим, куйдим... сўзларингиз ёлғон экан,
Кўрмадингиз боғимдаги хазонларни.
Куз йиғлайди. Ҳаммаси армон экан,
Сизга ташлаб кетай энди осмонларни.

***

(Халқ йўлида)

Оппоқ-оппоқ қорлар ёғса,
Оқида бир дард ўқидим.
Узун-узун кечаларда
Рўмолчалар тўқидим.

Оппоқ қорнинг учқунлари
Ҳижрондан элчи бўлди.
Рўмолчамнинг ғижимлари
Қалбимга қамчи бўлди.

Қоргул бўлиб сочилгин,
Оқгул бўлиб очилгин.
Деразамнинг ойнасида
Тоқгул бўлиб очилгин.

Бағрим қуйдиролмайсан,
Дардга тўйдиролмайсан,
Кўнгил ярим, кетавер,
Энди суйдиролмайсан.

Гулчеҳра УСМОНОВА,
Фориш тумани.

•Қадрият

ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

•ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Вилоят ўлкашунослик музейи ходимлари аҳолида сақланиб қолган қўҳна қўлёзма ва тошбосма китобларни қидириб топиш, илмий тадқиқотлар учун тайёрлаш ва сақлашга эътибор бермоқдалар.

Яқинда музейда "Шарқ қўлёзмалари" кўргазмаси ташкил этилди. "Кўргазмага, — дейди музей директори Аъзамжон Ҳасанов, — қўйилган китоблар орасида Қўқоннинг сўнгги ҳукмдори Худоёрхоннинг шахсий кутубхонасига тегишли ҳуснихатда кўчирилган "Қуръони Карим", Алишер Навоийнинг "Ҳамса"си ва Девонлари, шунингдек, Фирдавсий, Румий, Шерозий, Фузулий, Бедил каби шоиру адибларнинг моҳир ҳаттотлар томонидан кўчирилган асарлари қўйилган". "Абомуслим жангномаси", "Қиссаи зуфунун" каби халқ оғзаки ижодига мансуб асарларнинг тошбосма нусхалари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ўзбекистон Республикаси ҳисобчилар ва аудиторлар ассоциацияси 1994 йил 1-ноябрдан бошлаб ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аудиторлар курсида ўқиш бошланиши ҳақида хабар беради.

Китоб жавонингизга

"БИР ЮЛДУЗ КЎЗ ОЧАР..."

Барот Ярашнинг мустақил Ўзбекистон ҳақида, унинг бой маданияти, миллий урф-одати ва анъаналари ҳақида теран мушоҳада юритувчи шеърлари китобхон қалбида айрича меҳр-муҳаббат уйғотади. Бу жиҳатдан шоирнинг яқинда "Фан" нашриётида чоп этилган "ДИЛЧИРОЙ" номли тўплами эътиборга лойиқ.

Барот ўзининг "Янги йил истаги" шеърида ўзлигини англаб, дунёга янгича ўй, янгича фикр-мулоҳаза билан ёндашаётган Ўзбекистоннинг бугунги қиёфасини ҳаётий эпизодларда очишга ҳаракат қилади.

Шоирнинг етакчи мавзуларидан яна бири она, она-Ер ва она юртга бўлган меҳр-муҳаббат. Унинг назарида ҳаёт қадимий ва навқирон бир чинор, Она эса унинг ўқ илдизи. Ёхуд она меҳри дарё, Ҳаёт эса шу дарёдан сув ичиб кўкарадиган ниҳол. Она меҳри сингган юрт тошлари болишдек юмшоқ ва оромбахш, тиконлари эса ари тилидек азобли, айни пайтда шифобахшлигини Барот оригинал ўхшатишлардан ўз ўрнида фойдаланиш орқали кўрсата билган.

Сўнар уфқларда қирмизи шуъла,
Оҳиста-оҳиста қораяр осмон.
Бу пайт кўк гумбазнинг қай бир буржида
Бир юлдуз кўз очар титрар шамсимон.

Булар ёш ижодкорнинг кўнгил титроқлари, юрак уришидан туғилган нурли туғёнлар. Уларнинг қай бирини шарҳлайлик?

Мўъжазгина тўпламда содда юракнинг қувонч-ташвишлари унинг ўз тили-шеваси ва ўхшашини топган.

Бир ҳақиқат аён: шоир ўзини топаётган экан. Тўғри, ҳали бўш шеърлар ҳам йўқ эмас. Бу табиий. Кечирса бўлар. Муҳими, ижод гулшанига яна бир янги овознинг келгани рост бўлсин!

Ҳайдар ЭРНАЗАРОВ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна "Матбуот уюшмаси" агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги "ПВ-Жойи" деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва "Матбуот уюшмаси" агентликлари ходимлари тўлғазади.

Ранг-баранг олам

ЭРНИНГ ХУФИЯ ПУЛИ

•ЯПОНИЯНИНГ Урова шаҳрида истиқомат қилувчи 54 ёшли киши бозордан 10 долларга камзул сотиб олди. Эртаси куни бу кийимнинг чўнтагида минг доллар борлигини билиб қолди. Лекин севинганидан ўзини пивохўрликкка урмай ҳалоллик истаб, полиция маҳкамасига мурожаат этди. Маълум бўлишича, кекса аёл эрининг хуфия қилиб қўйган пулидан бехабар унинг камзулини бозорга олиб чиққан экан.

ҚУМ БОСГАН "ЎЛАТ"

•ҲАЁТДА нималар бўлмайди дейсиз. Ростовлик М. исмли киши эшигининг тагига бир машина қум тўктирди. Энди қурилишга киришаман деганда, қабр тузатади деганларидек, қамоқдан чиққан бу кимса ўз уйларидан номусга чидолмай кетиб қолган оиласини топди. Афсуски, яна ўша қилиғини қилиб, бу гал 16 ёшли қизига ҳужум қилди. Ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

СИГИРЛАРГА ЗОМИН ҚАРҒА

•МОГИЛЕВ вилоятида антиқа воқеа юз берди. Қарға юқори кучланишли электр симга қўнгани сабаб бўлди бунга. Жонивор қуш энди тумшуғини тозалайман деганда, қисқа туташув юз бериб, электр чирсиллаб, симлар узилиб кетди. Буни қарангки, симёғочга тўртта сигир занжир билан боғланган экан. Шу жониворларни ҳам ток уриб, тўртталаси ҳам нобуд бўлди.

ЗИНО ВА ЖАЗО

•БАНГЛАДЕШ қишлоғининг руҳонийси Хафизул Раҳмон 14 ёшли қизни бир юз бир қамчи уриб жазолашга ҳукм қилди. Маълум бўлишича, бу қизча оилали эркак билан яқин бўлган экан. У қамчининг 74-зарбида ҳушидан кетди.

ҚИММАТГА ТУШГАН БЎСА

•БИРЛАШГАН Араб Амирлиги суди ҳиндистонлик икки севишганни бир йил қамоқ жазосига маҳкум этиб, кейин мамлакатдан бадарға қилишга ҳукм чиқарди. Нима бўлган экан, дейсизми? Бечоралар кўча-кўйда бир-бирларидан бўса олишни ихтиёр этган эканлар. Мамлакатда ўрнатилган тартибга мувофиқ ёшлар никоҳланган бўлганлари тақдирда ҳам гавжум жойларда ўпишиш маън этилади. Ҳатто жуфт-жуфт бўлиб юриш ҳам мумкин эмас.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 31

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Мусиқий дақиқалар.
19.40 "Тараққиёт".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
21.45 Саид Аҳмад. "Келинлар қўзғолони". Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Полопон".
19.00 "Бу бўстон аро..." Ф. Аҳмадалиев, Б. Маҳкамов.
19.35 "Устозлар ва шогирдлар".
20.05 "Излаган имкон топади".
20.35 "Шоҳсупа сари" (рус тилида).
21.05 — 22.35 "Учишга рухсат этинг". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Истиқлол ва демократия".

"ОМАД" таништиради:
20.00 "Совға".
20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
20.50 Эълонлар.
20.55 Видео — "О".
22.35 Рок ҳақида.
23.05 "Курьер".
23.25 "Яна об-ҳаво ҳақида".
23.35 — 23.45 "Постфактум". Ҳафта мобайнидаги газеталар шаҳри.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Лабиринт". Ҳамкорликка таклиф.
18.30 "Шеърият альбоми".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Фолк-клуб". Сариқ майса.
20.00 Волейбол. Жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. Финал. Бразилиядан кўрсатилади.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 — 23.50 Ф. Брукнер. "Наполеон-1". В. Маяковский номли Москва академик театрининг фильм-спектакли.

Сешанба, 1

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Самолёт қайтарилди". Бадиий фильм.
10.15 "Нақшлар бўстони". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.20 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
12.00 — 14.00 "Синов даври". Телеканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўгитлари".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Буни умр дерлар..." Маъмуржон Тўхтасинов куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Адолат йўлида". Республика Адлия вазирлигининг 70 йиллиги олдидан.
21.30 "Қаҳратон март". Бадиий фильм.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
19.15 Ўзбекистон солиқ инспекцияси иш фаолиятидан.
19.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.00 "Видеогид".
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.00 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультқарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
19.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
20.45 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.35 "Бизнен мирас" (татар тилида).
22.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 "Гиёҳвандлик гирдоблари".
23.10 "Умид" (уйғур тилида).
23.40 — 23.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Рус олами".
18.30 "СБ" жумбоғи".
18.40 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Гол".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Илк манбадан"
21.50 — 23.30 Бадиий фильм.

Чоршанба, 2

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Комендантлик соати". Бадиий фильм.
10.20 "Авлод соғлиги — юрт бойлиги". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 "Ёшлик" студияси. "Шижоат".
12.15 "Муҳаббатни куйлайман". Мусиқий композиция.
12.45 — 14.45 "Биз танлаган йўл". Телеканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлар ижоди". Илҳомжон Фармонов.
18.35 "Ислоҳот одимлари".
18.45 Шеърий дақиқалар.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан. "Драматургия: кеча, бугун, эртага".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.00 "Оловнинг тизгинланиши". Бадиий фильм. 1-серия.
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Ўз ҳақингда гапир". Болалар опера студияси.
19.00 "Саломатлик — туман бойлик".
19.45 "Бизнес-банк" ("Бор барака").
20.00 "Мусиқали меҳмонхона".
21.00 — 22.00 "Тошкент оқшомида".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Ёшлик" студияси. "Истеъдодларни излаймиз".
20.30 — 23.30 "ОМАД" таништиради: "Қитъа спорти".

Дастурда:
— халқаро мусобақалардан репортажлар;
— Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари билан суҳбатлар;
— спорт ҳақида ҳикоялар;
— ахборот ва эълонлар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.30 "Савол белгиси".
18.40 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Серпантин". М. Захаровнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Монолог".
21.50 — 23.50 "Қўшимча поезд иккинчи йўлга келади". Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

Пайшанба, 3

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Ўн уч терак кўчаси". Бадиий фильм.
10.15 "Унутилган ўйинлар". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
12.00 Инглиз тили.
12.30 "Кафолат".
13.00 — 13.40 "Қўшиғимдасан, Ватан". Мусиқий композиция.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Мулкдор".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ўзбекона лутф". Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом қўнганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Оловнинг тизгинланиши". Бадиий фильм. 2-серия.
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Тумор".
19.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.30 Видео янгиликлари.
19.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 — 22.35 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультқарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.20 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Баварня" (Мюнхен) — "Спартак" (Москва). 2-тайм.
22.05 — 22.50 Футбол. 1/16 финал. УЕФА кубоги. "Реал" (Мадрид) — "Динамо" (Москва).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.30 "Россия тароналари". Харис Шарипов куйлайди (Уфа).
18.40 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Киноюлдуз". Армен Жигарханян.
20.40 Хайрли тун, кичкинтой-лар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Москва — Кремль".
22.00 — 23.50 Кино асри. "Қандай суюкли бўлиш мумкин". Бадиий фильм (Польша).

Жума, 4

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Махфий сайр". Бадиий фильм.
10.20 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".
11.10 Немис тили.
11.30 "Бола бошидан..." Мактабгача тарбия масалалари.
12.05 — 14.05 "Санъат сеҳри". Мусиқий видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Аёл борки, олам мунаввар". Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлка-ки..."
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳақ дедим, эл аро топдим салтанат..." Феруз тавалдининг 150 йиллигига.
22.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Нефтчи" — "Навбаҳор" (ёзиб олинган).
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
18.55 "Билиб қўйган яхши".
19.20 "02" тўлқинида.
19.45 — 21.55 "Туғатишга киришилсин". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Ютуқлар калити — тадбиркорликда".
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

"ОМАД" таништиради:
20.50 Эълонлар.
20.55 "Даракчи".
21.05 "Келинг, танишайлик". М. Матье.
21.45 Эълонлар.
21.50 — 23.30 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Инсон ва қонун".
18.25 Мультфильм.
18.35 "Бомонд".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Нафсиламбирини айтганда кулмоқ айб эмас..." Ю. Васильев.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Ҳафтанинг машҳур киши-си".
22.00 — 23.00 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 9-серия.

Шанба, 5

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Ҳукумат". Бадиий фильм.
10.35 Ҳужжатли экран.
11.15 Камер куйларидан концерт.
11.45 "Хотира". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳожиқурбон Назаров.
12.25 "Анъана ва замон".
13.05 "Таълим — мустақиллик пойдевори".
13.30 — 15.35 "Тимсол" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. "Қўшиғим, жон қўшиғим".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Оламга саёҳат". Кинокўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Муҳаббатга ошно юрагим". Юлдуз Абдуллаева куйлайди.
21.40 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
22.40 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.15 Ўзбекистон солиқ инспекцияси иш фаолиятидан.
10.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.30 "Видеогид".
10.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.30 "Кинонигоҳ".
13.10 "Омад" тақвими.
13.15 "Жозиба".
13.35 "Тумор".
13.50 "Муҳаббатга ошно қалблар".
14.10 Видео янгиликлари.
14.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
15.15 "Кинонигоҳ".

***

"Тошкент" студияси таништиради: "ШАНБА ОҚШОМИДА" видеоканали:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Эсдалик учун дастхат".
19.40 "Кичик дебют".
20.10 "Коллекция".
20.30 "Латиф Файзиев. Катта ҳаёт йўли".
21.10 "Денгиз соҳилидаги шаҳар". Гавр.
22.30 — 00.20 "Кинематограф".

ЎзТВ III

10.00 "Календарда байрам кунлари".
10.20 Кичик концерт.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.40 "Уфқ ортидаги табассум". Хорижда яшовчи ватандошлар ҳақида.
11.15 — 11.45 "Айчурек". Улуғбек юбилейига бағишланади (қирғиз тилида).

* * *

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

*

19.20 "Мультқарусель".

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 "Рангинкамон" (тожик тилида).
20.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.50 "Чинсэн". Корейс тилида кўрсатув.
21.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.40 "Барча юлдузлар". Америка маданияти намояндалари. Чарли Паркер.
22.20 "Бу ажиб дунё".
22.45 — 23.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Бахтли тасодиф".
18.50 "Ўшангача ва ундан сўнг..."
19.40 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Шляпалилар командаси". Телесериал. 4-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Соҳиб Баллантре". Телесериал. 1-серия.
22.40 — 23.20 "Кулги панорамаси". Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.

Якшанба, 6

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видео-фильм (Ҳиндистон). 91 — 92-сериялар.
12.00 Фарғона вилояти Тошлоқ тумани "Райҳон" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
12.50 "Цирк! Цирк! Цирк!"
13.40 "Хиросима-94". XII Осиё ўйинларига бағишланган кўрсатув.
14.10 — 15.35 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артистлари Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошева.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Ўйла! Изла! Топ!"
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Телеоператор нигоҳи билан".
19.45 Лирик концерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Ойнаи жаҳонда..."
21.25 "Икки дил достони". Бадиий фильм ("Ўзбекфильм").
23.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. МҲСК —"Пахтакор" (ёзиб олинган).
00.30 — 01.00 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.50 Эълонлар.
17.55 Видео —"О".
19.35 Эълонлар.
19.40 "Курьер".
20.00 "... Яна об-ҳаво ҳақида".
20.10 "Постфактум".
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.45 Эълонлар.
20.50 "Даракчи".
21.00 "Салом, ёшлар!"
21.40 Эълонлар.
21.45 — 23.45 Видео —"О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
11.00 "Интердиалог".
11.30 — 12.00 "Юксак пиллапоя-ларда". Телефильм.

* * *

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
20.55 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси". Тунис Республикаси эълон қилинган кунга.
21.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.45 "Спорт, спорт, спорт".
22.00 "Бу ажиб дунё".
22.25 Хитой телевидениеси кўрсатувлари.
23.10 — 23.25 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 "Туғилган кунинг билан, "Маяк!". Радиостанциянинг 30 йиллигига бағишланган кеча.
19.50 Ален Делон "Зорро" фильмида (Франция).
22.00 — 22.45 "Якшанба". борот-публицистик кўрсатуви.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

"Ўздеҳқонсаноатбанк" Бошқаруви банк операциялари бошқармасининг бош мутахассиси Р. Каримовага волидан муҳтарамаси **Баҳринисо КАРИМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 22.00. Г – 1181, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Қурбон АЛИ, М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.